


## Oriental Journal of Philology



### ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:  
<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>



### A DEVOTEE OF UZBEK ORIENTAL STUDIES

**Dr Khulkar V. Mirzakhmedova**

*Associate Professor, DSc*

*Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Orientalist, Mehnat shuhrati, "Issues of Oriental Studies", Afghan.

**Received:** 09.11.23

**Accepted:** 11.11.23

**Published:** 13.11.23

**Abstract:** In this article, the reforms carried out by the orientalist scientist A.M.Mannonov at the University of Oriental Studies, his activities in the scientific field were written by the rector of the university G.Sh.Rikhsievna. In addition to his students, the skills of the scientist in working with the university team, the immeasurable contribution of the teacher in all the achievements of the university not only in the republic, but also on the world scale, and his selflessness in training hundreds of worthy Orientalist personnel for our country, were widely covered from the perspective of a student and at the same time a leader.

### ЎЗБЕК ШАРҚШУНОСЛИГИ ФИДОЙИСИ

**Хулкар В. Мирзахмедова**

*Доцент, DSc*

*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** шарқшунос, "Мехнат шухрати" ордени, "Шарқшунослик масалалари", афғоншунос.

**Аннотация:** Мазкур мақолада шарқшунос олим А.М.Манноновнинг узоқ йиллар мобайнида Шарқшунослик университетида амалга оширган ислоҳотлари, илмий соҳадаги фаолияти университет ректори Г.Ш.Рихсиевна томонидан қаламга олинган. Олимнинг шогирдлари билан қолаверса, университет жамоаси билан ишлашдаги маҳоратлари, университетнинг нафақат республикада, балки жаҳон миқёсида бутунача эришган барча ютуқларида энг аввало устознинг

хиссаси бекиёслиги, юртимизга юзлаб муносиб шарқшунос кадрларни тайёрлашдаги фидойиликлари аввало бир шогирд, шу билан бирга раҳбар нигохи билан кент ёритилган.

## ПОСЛЕДОВАТЕЛЬ УЗБЕКСКОГО ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

**Хулкар В. Мирзахмедова**

*Доцент, DcS*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** востоковед, орден «За заслуги», «Вопросы востоковедения», афганский учёный.

**Аннотация:** В данной статье о реформах, проводимых учёным-востоковедом А.М.Манноновым в Университете востоковедения, его деятельности в научной сфере рассказала ректор университета Г.Ш.Рихсиеевна. Помимо своих учеников, мастерство ученого в работе с коллективом университета, неизмеримый вклад преподавателя во все достижения университета не только в республиканском, но и мировом масштабе, его самоотверженность в обучении сотен достойных для нашей страны кадров востоковедов, широко освещались с позиции студента и одновременно лидера.

### КИРИШ

Инсон ҳаёт йўлида устозларнинг ўрни бекиёс бўлади. Туғилгандан то умринг охиригача ҳар бир даврда кимдандир нималарнидир ўрганиб яшайди. Ўйлаб қарасам, мен доимо яхши инсонлар орасида бўлиб, уларнинг ҳар биридан нимадир ўрганиб яшаяпман. Гарчи шифокорлар оиласидан бўлсам ҳам, ўқувчилик йилларимда адабиётга, ижодга меҳр ўйготиб, филология соҳасини танлашимга сабаб бўлган инсон – Устозим, тил ва адабиётни фан сифатида барча қирраларини чуқур ўрганиб, ўз касбимни пухта эгаллашимга сабаб бўлган инсонлар – Устозларим, тил илмининг сирларини очишга ва фанга бўлган илмий ёндашувларимни баҳолаб, йўналтириб борган инсонлар – Устозларим, ҳаётда ўз ўрнимни топишимга, бунинг учун ҳалол ва чин дилдан ишлашга ўргатган инсонлар – Устозларим, берилган неъматларга, инсонлик мартабасига шукроналик билан яшашга ўргатган инсонлар – Устозларим... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида кўплаб саҳифаларни битишим мумкин...

Айни дамда эса Устозлик мартабаси ҳақида ўйлантирган ва ҳаётимнинг мен кутмаган тарзда ўзгариб кетишига сабаб бўлган, гарчанд ўзбек филологияси бўйича мутахассис, ўзбек тилшуноси бўлсам ҳам, менда шарқшуносликка меҳр уйғотиб, бу кўп киррали соҳанинг нақадар машаққатли эканлигини тушунишга ўргатган, айникса, раҳбарлик сирларини эгаллашга йўналтирган Устозим – Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби – Абдураҳим Муталович ҳақида ёзмоқдаман.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Республикада ҳамкаслар орасида “Маннонов мактаби” деган ибора бор. Мен шахсан Абдураҳим Муталовичнинг раҳбарлик мактабини ўтаганимдан, шарқшуносликдек муқаддас даргоҳда, шарқшунос деган меҳнаткаш инсонлар, юқори салоҳиятга эга олимлар билан ишлаш баҳтига мұяссар бўлганимдан Яратганга шукроналар айтаман.

2000 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтига ишга келганимдан бошлаб, бу ерда Абдураҳим Муталовичнинг бутун жамоа томонидан жуда жиддий, қатъий, принципиал раҳбар сифатида таний бошладим, жамоа аъзоларининг уларнинг жиддийликларидан ҳайиқиб туришини эшлитиб, кўриб, билганим боис, ўзим ҳам у кишининг олдиларига биринчи сұхбатга кирган пайтимдаги қўркув ва ҳаяжонимни эсдан чиқармайман. Ўша пайтларда таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш ва замонавий методлар бўйича қатор хорижий ташкилотларнинг семинар ва курсларида малака ошириб, баъзи тажриба ва билимларга эга бўлганим сабабли сұхбатдан ижобий ўтиб чиққанимдаги ҳаяжонимни унутмайман. Шундан бери йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Йиллар мобайнида устоздан шарқшунос кадрлар тайёрлашнинг турли қирраларини ўргандим.

У киши институтга раҳбарлик қилган даврларида ҳар бир ишнинг моҳиятига чукур кириб бориш, таҳлил қилиш, кутиладиган натижани ва бўлиши мумкин бўлган оқибатни ўйлаб кўриш; қарор чиқаришда эҳтиёткор бўлиш, ишда доим “уйғоқ”, тийрак бўлишни, ижрова муваффақиятли натижага эришиш йўлида ҳамиша яхши маънодаги рақобат руҳида яшаш кераклигини уқтириб келганлар. Шу ўғитларга амал қилган ҳолда ишлаганимиз боис бўлса керак, институт илмий фаолиятини мувофиқлаштириш ишларида устознинг ректорлик даврларида анча юқори қўрсаткичларга эришилди. Илмий тадқиқотларнинг кўлами ортди, янги йўналишлар очилди. Соҳалар бўйича олимларнинг салоҳиятидан фойдаланиш, илмий мактабларнинг фаолиятини кенгайтириш, янги илмий марказларни очиш, илмий натижаларнинг муҳокамаларини ва тақдимотларини уюштириш, кафедраларнинг илмий салоҳиятини ошириш, ёшларнинг назарий билимларини доимий чуқурлаштириб бориш бўйича маслаҳатлар бериб келадилар.

Абдураҳим Муталович институт устувор илмий йўналишларидан тортиб, кафедраларининг илмий мавзуларию ҳар бир тадқиқотчининг мавзусигача шахсан ўzlари

назардан ўтказишлари, албатта уларга тегишли янги ғоя ва фикрларни бериб бу ишларни ғоявий бойитдилар. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш доирасида бакалавр, магистр ва илмий тадқиқотчиларнинг мақсадли режалар асосида кафедраларнинг салоҳиятини кўтариб боришга йўналтириш, жиддий, керакли, истиқболда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий мавзулар доирасида тадқиқот олиб боришга йўналтиридилар.

У киши ректор бўлган йиллар мобайнида ниҳоятда кўп илмий анжуманлар ўтказдик, бу борада илмий конференцияларнинг номларини шакллантиришдан тортиб, юқори савияда ташкил этилишигача, ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, Шарқшунослик деб аталмиш муқаддас даргоҳда олиб борилаётган ишларни, жамоанинг меҳнати ва хизматларини барчага таниширишдан завқланиб яшашга ўргатдилар.

Абдураҳим Муталович таълим жараёнининг машакқатли, мураккаб, айниқса, ҳозирги кундаги катта талабларига жавоб бериш йўлида тинимсиз ҳаракат қилиб, ўқув-услубий ишлар бўйича ниҳоятда талабчанлик билан ёндашиб, талаба ёшларнинг маънавиятини ошириш, баркамол инсон қилиб тарбиялашдек масъулиятили вазифаларни сидқидилдан ба-жарилишига бош-қош бўлдилар. Шу билан бирга, мен ёшларимизга, айниқса, институтда раҳбарлик лавозимида ишлаб келаётган ҳамкасбларимга доим Устознинг бир жиҳатларини ўрганиш кераклигини таъкидлаб келаман, бу ҳам бўлса, раҳбарликдаги ишлар қанча кўп бўлмасин, вақт қанчалар тифиз бўлмасин, мунтазам илмий иш билан шуғулланиш ва илмий нашрлар яратишга эътибор бериш. Аммо, ҳақиқатан ҳам, раҳбарлик ва илмий тадқиқотни биргалиқда олиб бориш мушкул иш. Ҳужжатлар ижросидаги долзарб жараёнлар, минглаб талабалар, юзлаб ўқитувчилар ва юзлаб ходимлар фаолият кўрсатаётган катта жамоани бошқариш, институтни ривожлантириш каби масъулиятили вазифаларни бажариш гарданида турган Абдураҳим Муталович янги яратилган илмий асарларни мунтазам таҳлил қилиш билан шуғулланганларига гувоҳмиз. Ўз соҳалари бўйича дунёнинг қаерида бўлмасин янги яратилган илмий ишларни топиб, ўқиб, бизни ҳам танишириб боришлари устознинг илм деб аталмиш чексиз уммонда бўлганликларидан далолат беради.

Устоз бугунги кунда ҳам олий малакали кадрлар тайёрлаш жараёнларида кадрларни ёшартириш, мутахассислар етишмайдиган соҳалар бўйича фан докторларини тайёрлаш соҳасида фаол иш олиб бормоқдалар.

Абдураҳим Муталович шарқшунос олимларнинг юқори илмий салоҳиятини кўрсатувчи ТДШУ қошида очилган илмий даражалар берувчи Илмий кенгашни узоқ йиллардан бери бошқариб келмоқдалар. Шарқ мамлакатлари тил ва адабиёти, қиёсий адабиётшунослик, ҷоғиштирма тилшунослик, таржимашунослик, матншунослик, адабий ва тарихий манбашунослик бўйича ҳимоялар ўтказиладиган кўп қиррали Илмий кенгашда

уларнинг раҳбарликлари остида ўнлаб химоялар ўтказилмоқда. Республиканинг етук олимларининг биргаликда, яхши илмий-ижодий мухитда ҳамкорликда самарали ишлаб келаётганлари, қатор-қатор докторлик диссертацияларининг химоялари муваффикиятли ўтказилганида Абдураҳим Муталовичнинг алоҳида хиссалари борлигини таъкидлаш жоиз. Устоз сифатли, пухта пишиқ бажарилган ишлар доимий эътиборда бўлиб, диссертация устода ишлаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Абдураҳим Муталовичнинг ҳар бир ишга синчковлик билан қараганлари у киши институтга раҳбарлик қилган йиллар нашр этилган икки илмий журналнинг иши бўйича ҳам тўхталишим жоиз. Журналларимизнинг замонавий талабларга кўра такомиллашгани, хорижий тиллардаги илмий мақолалар ҳам чоп этилишига имконияти бор бўлган илмий нашрларга айланишида устознинг ҳиссалари катта.

Абдураҳим Муталович бажарилган ҳар бир илмий лойиҳанинг самарали бўлиши, илмий нашрларнинг амалиётга жорий этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Ўзларига бўлган талабчанликни раҳбарликларидағи лойиҳалар натижаларида қўрганмиз. Устоз раҳбарликларида Алишер Навоий “Ҳамса” таркибига кирувчи 5 достонининг конкорданси яратилгани, Шарқ ҳалқлари адабиёти тарихи бўйича 8 жилдлик монографик тадқиқотлар чоп этилгани, Шарқ ҳалқлари фольклори бўйича қатор илмий асарлар дунё юзини қўргани ўзбек шарқшунослик илмида катта аҳамиятга эга. Устознинг илмий лойиҳалар учун ғоялари ҳали ҳам сероб.

## ХУЛОСА

Юбилей арафасида Устоз ўзларининг тарих сандиқларида сақлаб келган, шунингдек, янгиликлар билан тўлдирилиб, қайта ишланган шарқшунослик илми бўйича бир қатор салмоқли мақолалари, шарқ адабиётшунослигининг долзарб масалаларини қамраб олган мухим тадқиқотлари жамланган “Шарқшунослик масалалари” китобини чоп эттирадилар. Бу китоб шарқшунослик тарихига бир назар солиш, қилинадиган ишлар бўйича бизларга тавсиялар бериш билан бирга, соҳага қадам қўйган ёшларимиз учун ҳам мухим манба бўла олади.

Юкорида айтилган фикрларим Абдураҳим Муталовичнинг айнан илмий соҳада фидойилик билан ишлаётганлари ҳақида айрим фикрларимдир. Устоздан олган билимларим, ўрганган тажрибаларим университетга раҳбарлик фаолиятимда жуда кўп аскотади.

Куйида устознинг баъзи илмий ишларини келтираман.

## АДАБИЁТЛАР

1. Mannonov, A. M., & Ochilov, B. E. (2013). Uzbekistan's participation in the process of Renovation of the Silk Road. *Mayak Vostoka.–T.: ToshDSHI*, (1-2), 43.

2. Маннонов, А. (2021). Образование–ключевой фактор развития государства и безопасности страны. Интервью министра образования и науки Республики Таджикистан Мухаммадюсуфа Имомзода. *Народная газета*, -2021.-26 августа.
3. Mannonov, A. (2016). Prisoner's mother demands compensation from penitentiary department for her son's death. *Asia-Plus online of March, 17.*
4. Mannonov, A. M. (2013). Ochilov BE The Rise of significance of transport communications of Uzbekistan within the process of Silk Road Renovation. *Buuyuk Ipak yo 'lining o 'tmishi va hozirgi kuni: rivojlanishining ijtimoiy-madaniy, tarixiy, siesiy va iqtisodiy yo 'nalishlari: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to 'plami, Toshkent sh*, 25, 13.
5. Куронбеков, А., Маннонов, А., & Имомназаров, М. (2012). ва б. Алишер Навоийнинг" Ҳайрат ул-аброр" достони конкорданси.-Т.: "Фан ва технологиялар". Т.: "Фан ва технологиялар, 608.
6. Маннонов, А. (1992). Подготовка студентов педвуза к использованию идей народной педагогики в нравственном воспитании детей. Автореф. дисс. канд. педагогических наук. М., 1992.-17 с. Автореф. дисс. канд. педагогических наук. М.
7. Маннонов, А. (1983). Учитесь беречь время: В помощь первокурснику.
8. Маннонов, А. Я китайский бы выучил только за то...
9. Маннонов, М. М., & Касимова, М. Д. (2023). КИТАЙСКИЕ ПОСЛОВИЦЫ И ПОГОВОРКИ О ДРУЖБЕ И ВЕРНОСТИ. In *Приоритеты социально-гуманитарных наук в условиях глобализации* (pp. 8-11).
10. Маннонов, М. А. (2022). ИСЛОМ ВА АФГОН ЁЗУВИ РИВОЖЛАНИШИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ШАРТЛАРИ. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(10), 236-238.
11. MANNONOV, A. (2022). SARUKAIS. *Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental Studies*, (01), 1-2.
12. Mannonov, Abdurahim, Hamidov, Xayrulla BEBAHO XAZINA ("Turkiy adabiyot durdonalari" tilimizda) // ORIENSS. 2022. №Special Issue 28.
13. Mannonov, Abdurahim UYG'ONAYOTGAN ADABIYOT // ORIENSS. 2022. №Special Issue 28.
14. Маннонов, А. (2021). Юксак салоҳиятли ташкилотчи ва раҳбар. *Восточный факел*, 1(1), 3-13.
15. Маннонов, А. (2020). БЗ Холидов–афғоншунос. *Восточный факел*, 1(1), 69-71.
16. Маннонов, А. (2020). Ўзбекистонда шарқшунос мутахассислар тайёrlашнинг йирик маркази. *Востоковедения*, 1(1), 5-27.

17. Маннонов, А. (2019). Жанр «ландей» и его поэтические особенности в афганском фольклоре. Востоковедения, 1(1-2), 4–20.
18. Karimov, N. (2022). Importance of studying and promoting oriental culture and heritage. Oriental Journal of History, Politics and Law, 2(03), 28-33.
19. Маннонов, А. (2017). О романтике и романтических сказках в афганском (пуштунском) народном творчестве. Востоковедения, 3(3), 66–83.